Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 126 (3021).
СЕШАНБА
1 ИЮНЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТЛИКЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Янгийўлликлар ташаббуси қулоч ёймоқда

ЯРИМ ЙИЛЛИК МАЖБУРИЯТ ТАЙЁР

«Эталон» заводи коллективи КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш мақсадида социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Цехлар ўртасидаги баҳсда экспериментал-тажриба цехи ишчилари пешқадамлик қилишяпти.

Бугун

илғор коллектив аъзолари июль ойи ҳисобига меҳнат қилишга киришдилар. Иш вақти, ҳом ашё материаллари ва техникадан унумли фойдаланиш туфайли улар вақтни ортда қолдириб боришмоқда. Беш ой давомида цехда 110.1 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. **Бу билан коллектив ўз зиммасига олган олти ойлик социалистик мажбуриятини бажарди.**

Беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажаришга қарор қилган коллектив янги мукаммал приборлар тайёрлашда ҳам намуна кўрсатмоқда. Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг ўтган даври мобайнида бу ерда пландаги 250 ўрнига 320 та «АСО—3 М» прибори тайёрланди. Улар радиотехникада кенг қўлланилмоқда ва кўпгина чет эл мамлакатларига ҳам жўнатиляпти. Завод «АСО—3 М» приборини ишлаб чиқарувчи мамлакатимиздаги ягона корхонадир.

Ҳозир корхона техника хизмати ходимлари приборларнинг сифати ва чидамлилигини ошириш устида иш олиб боришяпти. Бу модернизацияга ва технологик жараёнларни такомиллаштиришга олиб келади. У ишлаб чиқаришга жорий қилингач, заводда маҳсулот ишлаб чиқариш 20 процентга кўпаяди.

Резервларни қидириб топиш ва унумли меҳнат қилишда ҳам экспериментал-тажриба цехи ишчи ва инженер-техник ходимларининг амалга ошираётган ишлари диққатга лойиқ. Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётган цехнинг В. Петровский, В. Чеботков, П. Гусев сингари ўнлаб илғор ишчилари кунлик топшириқни 140-150 процент бажариш билан бирга икки-уч ёш ишчига маҳорат ўргатишмоқда.

ТАШАББУС АСОСИДА

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш шу беш йилликда яна бир миллион жуфт кўпаяди. Корхона меҳнатчилари ана шу маррани эгаллаш учун турли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Корхонада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг «Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришга коллективни сафарбар қилиш бўйича иши тўғрисида»ги қарорига жавобан ишлаб чиқилган тадбирлар амалда татбиқ қилинмоқда.

Фабрика директори Солиҳ Аюпович Аюпов қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг маъқулланган тадбирлари барча меҳнатчиларни кенг истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш, маҳсулотларнинг сифати ва ассортиментига алоҳида эътибор беришга чақирмоқда. Ана шу ташаббус бизнинг корхонамизда ҳар томонлама ўрганиб чиқилмоқда.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг таклифлари асосида 50 банддан иборат аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари биз янгийўлликларнинг ташаббуси асосида мусобақани янада кенг авж олдирамиз. Шунингдек, қатор ишлаб чиқариш цехлари, маиший ва маданий комплексларни реконструкция қилишни мўлжаллаяпмиз. Булар албатта ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва хилларига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, меҳнат самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Корхона цехларида янги машиналар ва мукаммал технология линиялари ўрнатилади. Шу йилнинг ўзида фабрикамизда саксондан ортиқ моделда 6 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади.

ИШЧИЛАР ҚИЗИҚИШИ

Янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш бўйича бошлаган ташаббуси трактор заводи ишчиларини жуда қизиқтириб қўйди. Цехларда йиғилишлар бўлиб ўтиб, унда ишчилар етилган масалаларни ҳал этиш чоғида Янгийўл меҳнаткашларининг ташаббусини ривожлантириш ва чуқурлаштириш масаласига эътиборни қаратдилар.

Асосий йиғув участкаси бир меъёрда ишламаяпти. Фақат май ойининг биринчи декадасида 165 трактор ва 80 трансмиссия етказиб берилмади. Бунинг сабаби 24, 26 цехлар деталлар ва узелларни ўз вақтида етказиб бермаганлигидир. Иккинчи томондан малакали ишчилар етишмаётганлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, шунингдек ишни бажариш суръати пастлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Шуни эътиборга олиб меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, мураббийчиликни ривожлантириш, техника таълими даражасини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Биринчи цехда ҳам партия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзлаган коммунистлар, смена бошлиқлари С. Муратов, Ю. Худойберганов ва бошқалар трактор прицепларини монтаж қилиш ва йиғишнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш масалаларига эътиборни қаратдилар.

Ишчилар «Уч киши — тўрт кишининг ишини бажарсин» шиорини ўртага ташлаб, ёш ишчиларга оталиқни кучайтиришга, уларга илғор тажрибаларни ўргатишга қарор қилдилар.

24 ва 28-цехларда бўлиб ўтган йиғилишларда ҳам етилган масалаларни ҳал этишга амалий ёндошилди.

Ю. ЛИХАЧЕВ,
трактор заводининг чархловчиси.

• *Тошкент— Бухорога*

Дастлабки автопоезд

«Главташкентстрой» уй-жой қурилиш тресги бинокорлари, инженер-техник ходимлари зилзиладан зарар кўрган Бухоро шаҳрида уй-жой ва бошқа объектлар қуриш учун жўнаб кетишди. Саккиз автомашинада қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ортиб олган йигирмадан ортиқ бинокордан иборат дастлабки қурилиш поезди

Кеча

Бухорога етиб келди. Трест бинокорлари қурилишлар учун жой тайёрлаш, бинокорлик материаллари учун складлар, ёрдамчи бинолар қуриш ишларини бошлаб юборишди. Тошкентлик уй-жой қурувчи бинокорлар область марказида бухороликлар учун кўплаб турар жой ва бошқа объектлар қуриб беришади. Эртаиндин бошқа қурилиш ташкилотларининг коллективлари ҳам Бухорога йўл олишади.

Партия съездига бағишлаб

Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида профессор ва ўқитувчиларнинг КПСС XXV съездининг тарихий аҳамиятига бағишлаб илмий-назарий конференцияси ўтказилди.

Институт ректори, профессор Т. Жўраев мамлакатимиз коммунистларининг улкан форуми ўнинчи беш йилликда амалга ошириладиган улуғвор режаларни белгилаб берганлиги ва совет олимлари олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйганлиги ҳақида ҳамда съезд қарорлари асосида институт олимларининг олиб бораётган ишлари ҳақида гапирди. Шундан кейин сиёсий иқтисод кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори А. Эгамбердиев «КПСС XXV съезди ва марксча-ленинча назариянинг ривожлантирилиши», тарих фанлари кандидати Р. Шарипов «КПСС XXV съезди ривожланган социалистик жамият тўғрисида», тарих фанлари кандидати Х. Норбоев «КПСС XXV съезди қарорлари асосида социалистик демократиянинг ривожланиш масалалари», марксча-ленинча фалсафа кафедраси мудири, профессор М. Болтаев институт олимларининг илмий ишлари ҳақида докладлар қилдилар.

Институтдаги 30 га яқин кафедранинг олимлари ва ўқитувчилари съезд қарорлари асосида олиб бораётган илмий ишлари юзасидан муҳим мавзуларда докладлар ўқидилар.

ЮҚОРИДАГИ СУРАТДА: 2-тикув фабрикаси, 2-цехининг ишчиси Анна Павлова (чапда) ёш шогирди Мамлакат Маҳмудова билан. Анна Егоровна корхонадаги ўз меҳнат фаолияти мобайнида 15 ёш шогирдни тарбиялади. Ҳозир ўнинчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажариш учун кураш олиб бормоқда.



Чапдаги суратда: «Узбектекстильмаш» бирлашмаси махсус конструкторлик бюроси экспериментал цехининг пешқадам слесарь-йиғувчиси Б. К. Биков. Бу илғор ишчи цехда тайёрланаётган «Р— 192—5» маркали ростлаш машиналарининг аъло сифатда бўлишига муносиб ҳисса қўшяпти.

И. Глауберзон, В. Сироткин ва Ю. Бутусов фотолари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатлари ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация» эълон қилинган.

★ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлиги Бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн ўртасидаги музокаралар 30 май куни Бағдодда давом эттирилди.

Музокаралар давомида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва экономиканинг бир қанча тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қараб чиқилди.

★ Филиппин Республикасининг Президенти Фердинанд Э. Маркос ва Имельда Ромуальдес Маркос СССР Олий Советининг Президиуми ҳамда Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 31 майда Москвага келди.

Пойафзал моделлари уйи

Енгил саноат министрлигига қарашли экспериментал-фурнитура заводида Тошкент пойафзал моделлари уйи ташкил қилинди. Республикамизда биринчи марта иш бошлаган бу муассаса пойафзал корхоналари учун янги нусхали моделларни тайёрлаб беришга мўлжалланган.

Пойафзал моделлари уйида ҳозирнинг ўзидаёқ 60 га яқин мутахассис турли бўлимларда иш бошлади.

Бугун

В. Каспаров бошчилик қилаётган 2-цех коллективи биринчи марта республика корхоналарига янги пойафзалларнинг 250 та намунасини жўнатди. Улар асосида шу йилнинг ўзида эркаклар, аёллар, болалар учун замонавий, енгил пойафзаллар ишлаб чиқарилади.

МУРАББИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Тошкент кабелсозлари маданият саройида ўтказилган тантанали учрашув ёш касб эгаларининг энг яхши мураббийларига бағишланди.

Ҳозирги пайтда корхонада мураббийчилик ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. Бу ерда 300 дан ортиқ тажрибали ишчи ўзининг маҳорати ва билимини ёшларга меҳр билан ўргатмоқда.

«Ташкенткабель» заводи ана шундай мураббийлар ва етиштирилган ёш ишчиларнинг ғайрати билан ҳар йили ўнлаб янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Корхона коллективи тайёрлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 38 процентига Давлат Сифат белгиси тамғаси босилмоқда. Унинг маҳсулотлари иттифоқимиздаги барча республикаларда ва жаҳоннинг 35 мамлакатида шуҳрат қозоняпти.

1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли тугаллаш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юқори натижаларга эришганлиги учун корхона коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Ана шундай муносиб мукофотни қўлга киритишда корхона мураббийлари етиштирган ёш ишчиларнинг ўзига хос муносиб ҳиссаси бор.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Шаҳар халқ маорифи бўлими ҳамда Ю. А. Гагарин номидаги Тошкент авиация техникуми маъмурияти ҳамкорликда битирувчи синф ўқувчилари учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказди. Билим даргоҳига шаҳримизнинг Октябрь, Чилонзор, Сергели, Собир Раҳимов, Ленин, Фрунзе, Ҳамза, Куйбишев районларидан битирувчи синф ўқувчилари ташриф буюришди.

Билим юрти талабалари ва ўқитувчилари ёшларни устахоналар, фан кабинетлари, лабораториялар иши билан таништирдилар. Абитуриентларда, айникса, электротехника, аэродинамика, авиация материалшунослиги, самолётлар конструкцияси ва жиҳозлаш, ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш лабораториялари, спорт зали ва кутубхона катта қизиқиш уйғотди.

Техникум директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Фузоил Ҳамидов, аэродинамика ва техника воситалари кабинетларининг мудирлари Н. Алберченко, М. Якиревичлар билим юртининг ташкил топиши, лабораториялар, фан кабинетлари, ўқув устахоналарида олиб борилаётган ишлар хусусида йиғилганларга ҳикоя қилиб бердилар. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган бу техникумда ҳозир фақат кундузги бўлимда 1306 нафар студент таҳсил кўраётир. 300 дан зиёд йигит-қиз шу бўлимнинг самолёт қурувчилик, металларни кирқиб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, программа билан бошқариладиган станокларни созлаш ва эксплуатация қилиш, машинасозлик саноатида планлаштириш мутахассисликлари билан ҳаётга парвоз этиш арафасида турибди.

Директор ўринбосари Ф. Ҳамидов бу йилги қабул ҳақида сўзлаб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Техникумнинг кундузги бўлимига беш мутахассислик бўйича 420 киши қабул қилиниши планлаштирилган. Техникумни юқори кўрсаткичлар билан тугатганлар Москва, Киев, Харьков, Қозон шаҳарларидаги авиация институтларига конкурссиз қабул қилинади.

• *Синоптик маълумоти*

ЁЗ БОШЛАНДИ

Баҳор фаслининг ёмғирли кунлари, ҳароратнинг дам-бадам ўзгариб туриши ниҳоясига етди. Шундай қилиб севимли ёз фаслининг биринчи ойи — июнь бошланди. Бу ойда об-ҳаво қандай бўлади?

Ой давомида ҳарорат одатдаги меъёрига яқин бўлади. Тошкент шаҳри ва областида ойлик ўртача ҳарорат 24—27 даражани ташкил қилади. Биринчи ўн кунликда ҳарорат тез-тез ўзгариб туради. Кечалари 9—14 дан 15—20 гача, кундуз кунлари 24—29 дан 30—35 даражагача иссиқ бўлади. Иккинчи ўн кунликда эса ҳарорат кўтарилиб, учинчи ўн кунликнинг бошланишида юқори чўққисига етади. Кечалари 22—27, кундуз кунлари эса 37—42 даража иссиқ бўлади.

Ойнинг охирги кунларида ҳароратнинг пасайиши кутилади. Кечалари 15—20, кундуз кунлари 30—35 даража иссиқ бўлади. Ой давомида бўладиган ёғингарчилик миқдори 2—7 миллиметрни ташкил қилади. Бу ҳар йилги меъёридан бироз камроқдир. Биринчи ўн кунликнинг айрим кунларида ва учинчи ўн кунликнинг ўрталарида момақалдироқ бўлиб ёмғир ёғиб ўтади. Қолган кунларда эса ҳаво қуруқ бўлади. Ой давомида секундига 5—7 метр тезлик билан ўзгарувчан шамол эсади. Биринчи ўн кунликнинг ўрталарида ғарбдан эсадиган шамолнинг тезлиги секундига 10—15 метргача етади.

Л. АБРУКИНА,
САРНИГМИ катта инженер-синоптиги

Яқинда шаҳримизнинг Жаҳон Обидова кўчаси бўйлаб янги турар жой комплекси фойдаланишга топширилди. «Узбексельмаш» заводининг кўпгина машинасозлари ҳам шу уйларга кўчиб ўтдилар.

СУРАТДА: янги турар жой комплекси.

М. Нуриддинов фотоси.

АДАБИЁТЛАР ҲАФТАЛИГИ

Республика кўнгилли китобсеварлар жамияти амалга ошираётган ишлар яхши натижа бермоқда. Жамиятнинг барча район ва шаҳар бўлимларида бошлангич ташкилотлар билан биргаликда китобхонларнинг талаб ва истаклари инобатга олинмоқда. Шунга асосланиб жамиятнинг Тошкент область бўлими ҳам китобхонлар талаби асосида китоб кўргазмалари савдоси, учрашув кечалари ва конференциялар ташкил қилмоқда.

Бугун

«Қишлоқ хўжалик адабиётлари ҳафталиги» ниҳоясига етди. Ҳафта давомида олимлар ёзувчилар, нашриёт ходимлари далаларда бўлишиб, китобхонлар билан учрашдилар ва уларнинг истак ва таклифларини ўргандилар.

Шундай тантаналардан бири кеча Ўзбекистон кўнгилли китобсеварлар жамиятининг пойтахт область бўлими бўлган Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида уюштирилди.

Институт биносида Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси ҳамда Қишлоқ хўжалик министрлигининг марказий кутубхонаси қишлоқ хўжалиги ва бадиий адабиётлар кўргазмаси ва китоб савдоси уюштирилиб китобхонлар мамнун этилди.

С. ХУЖАНОВ.

Театр сафарга шайланмоқда

Бугун

Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида санъат коллективининг ёз фаслида олиб борадиган тадбирлари ва республика меҳнаткашларига кўрсатадиган маданий хизмати муҳокама қилинди. Шу муносабат билан театр директори, СССР халқ артисти Олим Хўжаев қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳаммамизга маълумки, кекса санъат даргоҳи коллективи ижро этадиган спектаклларни республикамиз меҳнаткашлари жуда ҳам яхши кўришади. Бу йил биз Хоразм областининг кўп сонли томошабинлари илтимосини бажо келтириш тараддудидамиз. Уларнинг илтимосига биноан Хоразм областининг шаҳарлари, қишлоқлари ва колхоз-совхозлари бўйлаб гастроль сафари ўтказилади. Шу ойда бошланадиган бу гастролда томошабинлар В. Чичиковнинг «Мен Чилига ишонаман», Э. Воҳидовнинг «Олтин девор». Уйғуннинг «Парвона» асарларини кўришга муяссар бўладилар. Ҳозирги пайтда коллективимиз ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғалони» деб аталган асари устида иш олиб бормоқда. Бу янги асар ҳам Хоразм томошабинларига кўрсатилади.

Биз учун жуда қувонарли яна бир хушхабар. СССР Маданият министрлиги театр коллективини шу йилнинг октябрь ойида Москвада гастроль сафарини ўтказишга таклиф қилди. Биз бу таклифни зўр мамнунлик билан қабул қилдик. Ватанимиз пойтахтининг «Малий театр» саҳнасида сара саҳна асарларимизни москваликларга намойиш қиламиз. У ерда К. Яшиннинг «Инқилоб тонгги», Ў. Умарбековнинг «Комиссия», Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Г. Гауптманнинг «Ҳаёт шоми», М. Комарунинг «Уғирланган умр», ва бошқа саҳна асарлари кўрсатилади. Москвадаги гастроль биз учун жуда катта имтиҳон бўлади. У ерда совет театр санъатининг етук усталари ҳузурида бўлиб, ўзимиз учун кераклн бўлган энг яхши тажрибаларни ўрганамиз.

У. АБДУСАИДОВ.

телетайп лентасидан

★ ВАРШАВА. Шчецин яқинида жойлашган «Полице» химия комбинатининг иккинчи навбатини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу — катталиги жиҳатидан республикада иккинчи иншоот бўлади. Янги цехлар химия маҳсулотининг кўп турларини ишлаб чиқаради. Аммо фосфорли ўғитлар асосий маҳсулот деб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда корхона йилига бир миллион тоннага яқин ўғит ишлаб чиқармоқда. Комбинат кенгайтирилганидан кейин ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот 800 минг тонна ортади.

★ ЛОНДОН. Англияда тирикчилик қимматлашиб бормоқда. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнидагина озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар нархи қарийб 9 процент ошди.

Мамлакатда инфляция ҳам доим авж олмоқда. Иқтисодий ва социал тадқиқотлар миллий институтининг докладида шу йилнинг охирига бориб инфляция даражаси 14,5 процент бўлажаги таъкидлаб ўтилади.

★ БАҒДОД. Ироқдаги Диала вилоятининг маъмурий маркази Баакуба шаҳрида уй-жой комплексининг биринчи ва иккинчи навбати фойдаланиш учун топширилди. Яқин кунларда меҳнаткашларнинг 200 га яқин оиласи янги уйларга кўчиб кирадн. Келгуси йилда комплекс қурилишини тамомила тугаллаш мўлжалланди. Шундан кейин аҳоли учун жами 400 квартирали бир неча уй-жой биносини қуришга киришилади.

★ БУЖУМБУРА. 1977—1981 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик план Руанда экономикасини ва аввало қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мамлакатнинг ҳукумати ҳозирги вақтда ана шу планни тайёрламоқда.

План аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлашни, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб берувчи бир қанча корхоналар барпо этишни, жумладан сут, чарм ва қанд-шакар заводлари қуришни кўзда тутади. Йўл шохобчаларини яхшилаш ва такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Иккинчи беш йиллик даврида маориф системасини ислоҳ қилиш ҳам тугалланади.

★ ДАКАР. Сенегалда рус тилини ва Советлар мамлакатининг маданиятини ўрганишга қизиқиш йил сайин ўсиб боряпти. Совет маданият маркази ҳузурида очилган уч йиллик рус тили курсларини тингловчилар бешинчи марта битириб чиқишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Курсларни битириб чиқувчиларга тантанали вазиятда дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. Тантанали маросим охирида концерт қўйиб берилди. Курсларнинг тингловчилари концерт вақтида совет шоирларининг шеърларини рус тилида ўқиб бердилар ва совет композиторларининг асарларини ижро этдилар.

(ТАСС).

• *Қолоқларсиз, сифатли ва унумли ишлайлик*

КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

ЮКСАК САМАРА БИЛАН

Бизнинг бригадамиз кўп йиллардан буён хўжалик ҳисобининг янги методи — бригада пудрати асосида ишлаб келади. Бу иш услубида бинокорларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдорлиги янада ошади. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз меҳнати келтираётган самараларни аниқ кўриб туради. Шунинг учун ҳам ҳамма иш вақтидан унумли фойдаланиш, қурилиш ишлари самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ўзини масъулиятли деб билади.

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Янгийўл шаҳри коллективлари ва ташкилотларининг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» деган шиор остида ишлаш ҳамда КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ҳаракатини ривожлантириш соҳасидаги ташаббуси тўғрисида»ги қарорида ҳам бинокорларимиз кўнглидаги муҳим гаплар ўз ифодасини топган. Унда меҳнат коллективидаги барча аъзоларнинг бирдек унумли ишлашга эришиш кўзда тутилган.

Бригадамиз коллективи қизғин қўллаб-қувватлаган янгийўлликларнинг яхши ташаббуси бригада пудратининг афзалликларини амалда исботлаш имконини беради. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг янада ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишимиз учун шарт-шароитлар вужудга келтиради. Чунки бу қарорнинг мазмуни билан бизнинг иш методимиз мазмунлари бир-бирларига жуда яқин.

Хўжалик ҳисоби асосида ишловчи бригада коллективида қолоқлар бўлса, у фақатгина ўз манфаатдорлигига зиён етказибгина қолмасдан, балки, бутун коллектив манфаатдорлигига ва натижада қурилиш ишлари муддатларининг чўзилиб кетишига таъсир этади. Шунинг учун ҳам ҳозир бригадамизда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» деган ташаббус кенг қанот ёйган. Бунда иш самарадорлиги ва бинокорлар касб маҳоратини ошириш бизнинг асосий мақсадимиз бўлмоқда.

А. МИХАЙЛОВ,
1-уйсозлик комбинати 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ҚАРОРИГА ЖАВОБАН | БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ | ХАЛҚ МУЛКИНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК САҚЛАЙЛИК | ШАҲАР ҲУСНИГА ҲЕЧ КИМ ДОҒ ТУШИРМАСИН | МАОРИФ ХОДИМЛАРИ, ОТА-ОНАЛАР ВАЗИФАСИ

Уй-жой ва жамоат биноларини асрайлик

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Жонажон партиямизнинг XXV съезди совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлигини янада ошириш, ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда 550 миллион квадрат метр шинам, сифатли ва кўркам уй-жой биноларни қуриш борасида конкрет режаларни белгилаб берди. Кўп миллионли қурувчилар армияси олдига эса, қурилишда юксак самарадорликка эришиш, биноларни тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш вазифасини қўйди.

Ҳамма беш йиллик планлар каби ўнинчи беш йиллик план ҳам республикамиз, шунингдек пойтахтимизни ҳам янада ривожлантириш программаси бўлади.

Партия ва ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрлиги республикамизда, шу жумладан пойтахтимизда ҳам уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг катта программаси амалга ошаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. **Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг уй-жой фонди, маданий-маиший ва жамоат биноларини асрашни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.** Бу қарорларни бажариш халқимизнинг шон-шараф ишидир.

Фақат сўнгги ўн йил мобайнида тошкентликлар Улуғ Ватанимиз барча халқлари бебаҳо ёрдами туфайли катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Жонажон Тошкентимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, территорияси кенгайди, сон-саноқсиз муҳташам бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугун Тошкентнинг қай даражада гўзаллашиб кетганлиги ҳақида муфассал тўхталиб ўтмасак ҳам бўлади. Чунки шаҳар кўз ўнгимизда. Унинг марказида осмонўпар гўзал бинолар — В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Зарафшон» ресторани каби ноёб иншоотлар юксак таҳсинга сазовордир.

Бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли биргина Октябрь районининг ўзида қанчадан-қанча янги бинолар вужудга келди. Ўтган тўққизинчи беш йилликда 207 минг квадрат метр турар жой бинолари, 12 та боғча, 3490 ўринли учта мактаб, иккита поликлиника ва бошқа бинолар қурилди.

Ўзининг архитектура қиёфаси жиҳатдан оригинал ҳисобланган «Халқлар дўстлиги» майдонида барпо қилина бошланди. Ҳозир бу ерда — Фурқат кўчасида 2800 ўринли янги киноконцерт зали қурилиши жадал олиб борилмоқда. Охунбобоев майдонида 20 қаватли «Москва» меҳмонхонаси қурила бошланди. Чорсу ҳаммоми ва улкан дорихона ҳам бу йил фойдаланишга топширилади. Марказ—13, 14, 15 кварталлари қурилиб битказилди. Эндиликда «Марказ—26» квартали бунёд этилмоқда.

Чорсуда республикада ягона савдо маркази — Бош универсал магазини ишлаб турибди. Навоий кўчасида эса ёшлар меҳмонхонаси аҳоли хизматида, 5 та канал билан ишлайдиган марказий телемарказ ҳам қуриб битказилмоқда. Ўзбекистон кўчасида бир неча кўп қаватли муҳташам бинолар қад кўтарди. «Ўзбекистон 50 йиллиги» проспекти вужудга келди. Бу проспектда ҳам кўпгина гўзал, осмонўпар бинолар қад кўтарди. Ўтмишда от тортадиган «Қонка»нинг энг охирги бекати бўлган —«Ҳадирох»нинг бугунги кўрки-жамоли кишини ғоятда қувонтиради. Эндиликда Ҳадра энг гўзал жойлардан бирига айланиб қолди. Бу ерда Ўрта Осиёда ягона 3000 ўринли цирк ишга тушди. У Ҳадра ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Ана шундай гўзал биноларга гоҳида доғ теккизаётган, уларнинг ичига ўрнатилган замонавий мебеллар, юмшоқ ўриндиқлар ва бошқаларнинг қадрига етмаётган баъзи маданиятсиз, эл мулкига бефарқ кишилар, айниқса ёшларнинг ҳатти-ҳаракатлари бизни жуда ранжитмоқда.

Бултур Санъат саройининг кўпгина креслолари тилинган, шикаст етказилган эди. Давлатнинг қанчадан-қанча маблағи уларни яна қайтадан тиклаш учун сарф этилди. Худди шунга ўхшаш ҳоллар цирк биноси ва Ҳамза номидаги театрда ҳам такрорланмоқда.

Баъзан дам олиш пайтларида бошқа театр, кино, томоша залларида ҳам янги замонавий ўриндиқлар тилинганини, бинолар сиртига чизиб кетилганини, деворлари ўйиб ташланганини кўриб, бунинг айбдорлари қаерлардадир бемалол юрганига нафратинг қўзийди, улар тегишли жазосини олмаётгани афсуслантиради, кишини.

Ахир, бир ўйлаб кўрайлик. Шундай муҳташам, гўзал бинолар ўтмишда бўлганмиди? Йўқ. Ҳозир пойтахтимиз чиройи юз чандон очилиб кетди. Бунга ҳукуматимиз қанчадан-қанча маблағ, материал сарф этмоқда.

Бунинг қадрига етиш, бугунги ширин, фаровон турмушимиздан фахрланиш, лаззатланиш ўрнига баъзи енгилтаклар умумхалқ бойлиги бўлган маданий-маиший, жамоат ва уй-жой биноларини авайлаб-асрамаётганлиги ғашимизни келтирмай иложи йўқ. Бунга асосий сабаб нима? Бу **баъзи жойларда маориф ходимлари етарли тарбиявий ишларни олиб бормай, камчиликларга йўл қўяётганида, баъзи оилаларда ота-оналар болалар тарбияси билан етарли шуғулланмаётганидадир. Шунинг учун барча ота-оналар, маориф ходимлари болалар ва ўсмирларни назоратсиз қолдирмасликларини, уларни ўз ҳолига ташлаб қўймасликларини, уларга тарбиявий таъсир ўтказиб, социалистик мулкимизга онгли муносабатда бўлишни, ҳашаматли бинолар ва умумхалқ мулкини кўз қорачиғидай сақлашни қайта-қайта уқдиришларини истар эдик.**

Маориф ходимлари, ота-оналар ва бутун жамоатчилик бу масалага жиддий эътибор берсалар, албатта, ўз самарасини беради. Гап фақат бунёд этилган гўзал иншоотларга сарф бўлган маблағ ҳақидагина бораётгани йўқ. Балки шу иншоотлар, улардаги жиҳозларни, кўча ва майдонлардаги турли хил плакат ва панноларни шикаст етказмай сақлаш, ишчилар, қурувчилар меҳнатини қадрлаш ҳақида бораётир. Цирк, театр ёки кино залларига қўйилган ҳар бир стул, кресло мебелсозларимизнинг меҳнати билан юзага келган. Улар она-шаҳримиз — Тошкент учун деб, алоҳида меҳр билан ишлаб, пардозлаганлар, уларга қалб қўрлари, кўз нурларини тўкканлар. Ана шу ишчилар меҳнатини ҳурмат қилмайдиган, гўзалликни ҳис этмайдиган, ундан баҳра олишни билмайдиган кишилар, айниқса болалар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш керак.

Биноларимизни кўриб кўз қувонади. Уларга теккан ҳар бир доғ эса, кўнгилни ранжитади. Айрим ана шундай маданиятсиз одамларнинг орамизда бўлмаслиги учун курашайлик, бунга қарши бутун жамоатчилик бир ёқадан бош чиқарса айни муддао бўлади.

О. ШАРОФИДДИНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Ҳ. ҚОСИМОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ,
А. Навоий номли адабиёт музейи директори, профессор.

Х. МЕЛИҚУЛОВ,
«Янги шаҳар» маҳалла комитетининг раиси.

Э. ҲАСАНОВ,
81-мактаб ўқитувчиси.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

«Главстройиндустрия»га қарашли экспериментал тажриба механика заводи коллективи беш ойлик топшириқни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарди. Коллективнинг бу ютуғида корхонанинг механика-йиғув, электр цехлари коллективларининг ҳиссаси салмоқли. Бу цехларнинг коллективлари янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси асосида ишлаб, социалистик мусобақада яхши натижаларни қўлга киритяптилар. Коллектив беш ой мобайнида 477,2 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу маҳсулотдан 20 минг сўмлиги планга қўшимча тайёрланди.

Мазкур цехдаги А. Зарипов, А. Новиков, П. Соколов, В. Арцибасов каби илғорлар ишлаб чиқаришга меҳнатнинг илғор усулларини тадбиқ этиб, юксак унумдорликка ва маҳсулот сифатининг аъло даражада бўлишига эришмоқдалар. Бу ишчиларнинг ҳаммаси янгийўлликлар ташаббусига корхонада биринчилардан бўлиб қўшилиб, ҳар бири бир-икки ёш ишчига касб маҳоратларини ўргатиб, уларни илғор ишчилар сафига қўшишга аҳд қилиб қўйишди. Илғор фрезерчи Аълам Зарипов мазкур корхонада 23 йилдан бери ишлайди. Механика-йиғув цехида ҳозир меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги унинг шогирдлари саналишади. Аълам ака ҳозир ҳам икки ёш ишчига фрезерчилик касби сирларини ўргатаяпти. Бундан ташқари у республикамизда кенг қулоч ёйган «Ўнлар ташаббуси»га қўшилиб, шахсий ўнинчи беш йиллик топшириғини 3 йилда бажариш учун курашмоқда. Илғор ишчи смена топшириқларини мунтазам 130-140 процент бажармоқда.

Механика-йиғув цехи асосан чархлаш-силлиқлаш станоклари, пресс-қирғичлар, темир-бетон заводлари учун эҳтиёт қисмлар ҳамда ички завод кооперацияси буюмлари тайёрлайди. Буюртмачилар цехда тайёрланаётган буюмларнинг сифатидан мамнун. Йил бошидан бери ҳали коллектив бир марта ҳам рекламация олгани йўқ.

Май ойида цехда «ИОЗБЕ» маркали станок ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қурилиш индустрияси корхоналари учун мўлжалланган мазкур станокдан дастлабки иккитаси тайёрланиб, куни-кеча буюртмачиларга жўнатилди. Келгусида янги станокни ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Н. НАЗИРОВ.

Кенг халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқараётган пойтахт «Малика» трикотаж фирмасининг меҳнат аҳли ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва самарадорликни ошириш борасида сидқидиллик билан меҳнат қиляпти. Бу фотолавҳада корхона 1-филиалининг илғор коммунистик смена аъзоси, мастер ёрдамчиси Анвар Аҳмадзилнов акс этган. Бу новатор ишчи бош бўлган смена тўқувчилари беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олганлар.

☆ ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

КОЛХОЗЧИЛАР ТОРТИҒИ

Пойтахт область Тошкент районидаги Алишер Навоий номли колхоздаги 14 та бригаданинг ҳаммаси **БУГУН** картошка ковлашга киришди.

— Эрта баҳорда 105 гектар ерга эртаги картошка эккан эдик, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Мирсоат Абдуазимов, — ҳосилни шаҳарликларга етказиб бериш қизиб боряпти.

Колхоз азаматлари мавсум бошидан бери шаҳарга 210 тонна пиёз, 3 тонна саримсоқ пиёз, 200 тонна редиска, 5 тонна сабзи жўнатдилар.

Р. ҚОСИМХЎЖАЕВА.

ПАХТАКОРНИНГ КОМПАСИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўнинчи беш йилликда пахта етиштириш бўйича янги истиқболли техникавий хариталарни область ва район қишлоқ хўжалиги органларига юборди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришни арзонлаштириш учун курашда бу хариталар деҳқонлар қўлида муҳим қурол бўлиб қолади. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг фан бош бошқармасида ЎзТАГ мухбирига янги харита чиқарилиши муносабати билан қуйидагиларни маълум қилишди:

— Республикада 1980 йилда камида 6 миллион тонна пахта етиштириш мўлжалланган. Бундай юксак марраға махсус хариталардан фойдаланишга асосланиб, кенг комплекс механизациялаш, илғор агротехника ва технология негизидагина эришиш мумкин. Бу хариталарда пахта етиштиришда машиналар ва технология системасини ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Пахтачиликнинг янги машиналарга бўлган эҳтиёжи аниқланган. Ерни икки ярусли ҳайдашни жорий қилиш, уруғни кенг қаторлаб, уяларга белгиланган миқдорда чигит экиш, гербицидлардан фойдаланишни жорий этиш, ўғитлардан оқилона фойдаланиш далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш имкониятини беради.

Хариталар Ўзбекистондаги асосий учта тупроқ-иқлим зоналари учун мўлжалланган. Колхозлар билан совхозларда бу хариталардан фойдаланилиши беш йилликнинг охирига қадар пахтачиликда механизациялаш даражасини 1970 йилдаги 73,3 процентга ўрнига 93 процентга етказиш, ҳар бир ишловчининг нагрузкасини 4,3 гектаргача етказиш имкониятини беради.

Хўжаликлар хариталардаги техникавий тавсияларга риоя қилиб, меҳнатни тўғри ташкил этганларидагина ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эриша оладилар.

Мебеллар кўргазмаси

Тошкентдаги «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида «Аҳолига сифатли мебеллар етказиб берайлик» деган шиор остида мебеллар кўргазмаси очилди.

Бу кўргазмада республикамизнинг Андижон, Наманган, Тошкент, Олмалиқ, Янгийўл каби шаҳарларининг мебель корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш қилинмоқда. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ичида «Шарқ» мебель бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган шифонъер, диван-кроват, кабинет жиҳозлари, Олмалиқ, серванти, сервиз, Янгийўл наборлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

•Депутатлар ҳақида ҳикоялар

Мураббий — эл хизматида

САИД Раҳимовни Ленин ордени олганлиги билан биринчи бўлиб мастер Тўқай Исмоилович Иброҳимов, цех бошлиғи Иван Кириллович Корниенко табриклашди.

— Раҳмат дўстларим, — дея миннатдорчилик билдирди Саид Раҳимов.

— Бу нечанчи орденинг? — деб юзланди Тўқай Исмоилович дўстига.

— Иккинчиси. Биринчиси Меҳнат Қизил Байроқ ордени бўлган, яна иккита медалим ҳам бор, деб қўшиб қўйди у.

— Баракалла, азамат, — дея дўстининг елкасига меҳрибонлик билан қўл ташлади мастер. — Энди сен бизда қўш орден кавалерисан...

Фрезерчи Саид Раҳимовнинг фабрика-завод билим юртини тамомлаб, 1-пойафзал фабрикасига ишга келганига ўттиз йил бўлди. У фақат цехдагина эмас, балки бутун фабрика коллективи ўртасида обрў-эътибор қозонган. Республикадаги ўн ишлаб чиқариш илғорларининг ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш тўғрисидаги ташаббусини корхонада биринчи бўлиб бошлаб берган ҳам ана шу Саид Раҳимов бўлади. Ўтган беш йилликдаги фидокорона меҳнатлари учун «Тўққизинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан тақдирланди.

Саид Раҳимов ёшларнинг ҳақиқий мураббийси ва устозидир. У сўнгги беш йилликнинг ўзида 17 ёш ишчига ўз касбини ўргатди. Олег Гришанов ҳам унинг шогирдларидан. «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланган Олег устози С. Раҳимов сингари ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган.

Ўнинчи беш йилликнинг тўнғич йили биринчи кварталида С. Раҳимов ўзига хос рекорд қўйди. У квартал планига қўшимча 70 минг жуфт «аъло» сифатли этик тайёрлашга муваффақ бўлди.

Меҳнат ветеранининг ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришишида унинг жамоатчилик асосида олиб бораётган ишлари ҳеч ҳалал бераётгани йўқ. С. Раҳимов меҳнаткашлар депутатлари Фрунзе район Советига учинчи бор депутат қилиб сайланди. У фабрикадаги депутатлик группасининг раиси сифатида корхона фаолиятида актив қатнашмоқда.

Коммунист — депутат С. Раҳимов корхона коммунистларининг 1974 ва 1975 йиллар-да бўлиб ўтган партия йиғилишларида бир неча бор сўзга чиқиб, фабрика цехларидаги ускуналар эскириб қолганлиги ва уларни янгилари билан алмаштириш зарурлигини таъкидлади. У бу талаби билан ҳақли эди. Чунки ўттиз йил бир даргоҳда меҳнат қилган киши учун ҳар бир нарса ойнадек равшан бўлиб қолади, албатта.

1975 йилда пойафзалчилар янги ускуналар олишди. Бунинг қандай қўл келганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин. Илгарилари эскирган станокларда ишчилар михларни пойафзалларга қоқиш учун қўлда тўғрилаб ва бунга кўплаб вақт сарф этган бўлсалар, эндиликда янги ўрнатилган ярим автоматларнинг ўзи мих, пошна қоқади, пойафзалларга дастак ўрнатади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар ошириш ҳамда маҳсулот сифатини кескин яхшилаш имконини бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг пастлиги пойафзалчилар учун нуқсон бўлиб туюлар эди ва улар бу билан муросасозлик қила олишмасди. Уларга Самарқанддан худди шундай сифатсиз танаворлар юборилди.

— Қани ўртоқ депутат, Самарқанддаги заводга бир хат ёзиб жўнатингчи, — дейишди ишчилар Саидга. — Танаворлари сифатсиз экан.

С. Раҳимов бошлиқ депутатлар группаси Самарқанд кўнчиларига худди шундай мазмунда хат йўллашди. Аҳвол бирмунча яхшиланди.

Бундай ишларнинг амалга оширилишида ёш ишчиларнинг мураббийси ҳамда эл хизматкори бўлган С. Раҳимов билан биргаликда Фрунзе район Советининг депутати, мастер В. Алексеева, шаҳар Советининг депутати, тикувчи Д. Аҳмедова ва бошқалар жонбозлик кўрсатишди.

С. Раҳимов ишлаб чиқаришда илғорлик қилиб, ишчиларни ўзига тенглашишга даъват этса, депутатлик группасида раҳбарликни ўринга қўйиса, булардан ташқари Фрунзе район ижроия комитетининг топшириғига биноан меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини, магазинларни, базаларни текширишга ҳам улгуради. С. Раҳимов депутатлик вазифасини сидқидилдан адо этмоқда. Шунинг учун ҳам у эл олқишига сазовор бўлмоқда.

О. ПАШКОВА.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Темир йўл дарвозаси

Фарғона темирйўл бўлимининг янги «Қува» вокзали муддатдан илгари фойдаланишга топширилди. Вокзалда кутиш заллари, билет кассалари, буфет, қўлда олиб юриладиган юкларни сақлайдиган автомат камералар, хизмат хоналари бор. Қува вокзали Фарғона темирйўл бўлимида ўнинчи беш йилликда фойдаланишга топширилган биринчи янги қурилишдир.

Бу бўлимда беш йиллик охиригача яна Олтиариқ ва Чустда иккита янги вокзал биноси қуриш ҳамда Марғилондаги вокзал биносини реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Мирзачўлда биринчи

Ховос районида «Узплодоовощвинпром» системасининг Сирдарё областидаги биринчи аграр-саноат бирлашмаси тузилди. Мичурин номли, «Ширин», Темирязов номли ва Жўрахон Усмонов номли совхозлар, шунингдек, Ховос вино заводи шу бирлашмага кирди.

1500 гектар боғ ва токзори бўлган Мичурин номли совхоз бирлашмасининг бош корхонаси этиб белгиланди. Бу ерда қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қиладиган база, йиғма автомобиль колоннаси ва бошқа бўлинмалар тузилди.

Болғасиз кандакорлик

Жиззах пластмасса қувур заводида вакуум металлизация участкаси ишга туширилди.

Квартираларга илинадиган ва сюжетларида миллий анъаналардан фойдаланилган янги безакларнинг кўриниши қўлда бажарилган мис кандакорлик буюмларидан фарқ қилмайди.

(ЎзТАГ).

• Тошкент—ноқоратупроқ ўлкага

Навбатдан ташқари буюртма

Ўнинчи беш йилликда ноқоратупроқ зона қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс программасини муддатидан илгари бажаришдек ватанпарварлик ҳаракатида республикамиз қатори, унинг пойтахтидаги ирригация, мелиорация ва қурилиш мутахассислари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Партия белгилаб берган қарорларни ҳаётга тадбиқ этишда шаҳримизнинг ўнлаб механизаторлар, шоферлар, бинокорлар коллективи фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Пойтахт саноат корхоналарининг ишчи коллективлари эса, РСФСРнинг ноқоратупроқ зоналарини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ўзлари ишлаб чиқарган машина ва механизмларни, турли хил қурилиш материалларини Шимол темир йўл тармоғи орқали юбориб турибдилар. Бу қудратли техника ва материаллар бепоён Россия Федерациясининг ўнлаб шаҳарларига етиб боряпти ва у ердан кўрк ўлкаларга жўнатиляпти.

Шаҳар индустрияси ходимлари ноқоратупроқ ўлкаларни ўзлаштириш учун зарур бўлган машина ва ускуналарга, жиҳоз ва материалларга берилган буюртмаларни зудлик билан адо этмоқдалар.

Ноқоратупроқ зоналар сув қурилиши Бошқармаси экскаватор заводига май ойида 102 та экскаватор тайёрлашга буюртма берган эди. Завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш ва планлаштириш бўлими ходимлари билан биргаликда буюртмани тезроқ бажаришнинг йўл-йўриқларини туздилар. Қуймалар, деталь ва узеллар зудлик билан тайёрланди. Механика-йиғув цехларининг малакали ишчилари ўзларига билдирилган ишонч ва масъулиятли вазифани шарафли адо этишди.

БУГУН Тошкент товар станциясидан мамлакатнинг Шимоли томон йўлга чиққан эшелон платформаларида Баренцов денгизига туташган Архангельск, Болтиқ денгизи бўйидаги Псков шаҳридан тортиб, то Лена дарёси соҳилидаги Ёқутистон шаҳарларининг номларини ўқиш мумкин. Ойнинг биринчи ярмида Вологда, Ленинград, Мурманск, Новгород, Брянск, Калинин, Калуга, Рязань, Смоленск, Тула, Ярославль, Горький, Киров, Калининград, Удмуртия, Карелия АССР, Москва область шаҳарларига буюртманинг бир қисми жўнатилган эди. Дўстлик эшелони олиб бораётган «Э—34В» маркали қудратли экскаваторлар ирригаторлар ва мелиораторлар хизматида бўлади.

Экскаватор ремонти заводининг 5-цех коллективи ҳам ноқоратупроқ зона буюртмасини бажаришда зарбдорларча меҳнат қилди. Бу ерда ярим ойда йигирма бешта вагон-ётоқхона тайёрлаб жўнатилди. Бу вагонларнинг ўзи икки составни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири олти кишига мўлжалланган. «Ғилдиракли уй»ларда дала шароитида меҳнат қиладиган механизаторлар, мелиораторлар, ирригаторлар ва қурувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

А. ХЎЖАМОВ.

3-шаҳар босмахонасининг полиграфчилар коллективи ўртасида шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш ташаббусига қўшилган пешқадам ишчилар сони ой сайин ортиб боряпти. Мана бу фотолавҳада тасвирланган (чапдан-ўнгга) Маъруф Дадахонов билан Наби Ғаниев ҳам ана шундай ташаббусга қўшилган пешқадам матбаачилардан ҳисобланадилар.

М. Нуриддинов фотолари.

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Тошкентнинг табиий пойдевори

«Ҳурматли редакция! Тошкент шаҳримиз қандай рельефли ерга жойлашган, унинг пойдевори қандай тузилган, шу ҳақда маълумот берсангиз», деб сўрашибди оқшомхонлардан А. Қўчқоров, С. Комилов, О. Бобожонов ўртоқлар.

Тошкент — Шарқнинг дарвозаси, деб бежиз айтишмаган. Бу кўҳна ва навқирон шаҳарнинг суви, тупроғи, тоғ-тошлари, қир-адирлари бебаҳо ва гўзалдир. Тошкент янгидан қурила бошлангандан бери яна ҳам кўркамлашиб, гўзаллашиб кетди.

Шаҳримиздаги ҳар бир бино, ҳар бир иншоот, кўча, канал ва бошқалар ёш жиҳатдан турли даврларда ҳосил бўлган майдонларга ўрнашган. Қўйиликдан Ўрдага томон юрган киши ёши жиҳатдан ҳар хил бўлган ва турли табиий географик шароитларда Чирчиқ дарёси вужудга келтирган текислик юзалари устидан ўтади.

Шаҳримиз жойлашган майдонлар тарихини учта йирик босқичга бўлса бўлади: денгиз ҳукмронлик қилган давр, дарё суви оқими мавжуд бўлган давр ва қуруқликка айлангандан кейинги даврдир.

Палеоген (қадимги) даврда, яъни эрамиздан 67 —25 миллион йиллар оралиғида Тошкент шаҳри атрофларидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг текислик қисмларида ҳам Тетис номли денгиз бўлган. Бу пайтда тропик иқлим ҳукмронлик қилган. Шу сабабли денгиз суви илиқ бўлгани маълум. Шаҳар территориясида денгиз ҳайвонларининг хилма хил чиғаноқлари қолдиқлари оҳактошга айланган ҳолда ер юзидан 1200 метр чуқурликда учрайди.

Палеоген даврининг охири ва неоген (янги) даврининг бошларида (эрамиздан 28— 23 миллион йил муақддам) Альп тоғи ҳосил бўлиш циклининг энг актив босқичи бўлиб ўтади. Натижада Коржонтов, Угом, Пском, Чотқол, Қурама тоғ тизмалари кўтарилади. Ер қатламларининг тектоник кучлар таъсирида кўтарилиши натижасида денгизнинг ғарбга томон чекинишига сабабчи бўлади. Ана шу пайтдан бошлаб шаҳримиз ва унинг атрофларини ҳам денгиз бутунлай тарк этади.

Тоғларнинг кўтарилиши йирик дарёларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Чирчиқ дарёсининг «дунёга келиши» ҳам шу даврга тўғри келади. Чирчиқ дарёси бутун неоген даври давомида (25 миллион йил давом этган) тоғлардан емирган жинсларни адир ва текисликларга келтириб ётқизган. Шаҳримиз ва унинг атрофларида неоген даврининг шағал, қум, тош, қотган майда ганчсимон жинсларнинг қалинлиги 1000 — 2000 метр атрофида ўзгаради.

Тўртламчи даврнинг бошлари (1—1,5 миллион йил илгари) ва ўрталарида (350—150 минг йил аввал) ҳам Чирчиқ дарёси Тошкент шаҳри жойлашган территориялардан оққан ва ўз ётқизиқларини тўшаган. Тўртламчи даврнинг бошларида дарё ётқизиқларининг қалинлиги 60 —70 метр, шу даврнинг ўрта қисмида эса 50— 80 метр қалинликда дарё ётқизиқлари тўпланган. Тўртламчи даврнинг ўрталарида Чирчиқ, Келес, Оҳангарон водийларининг текислик қисмларидаги чегаралари аниқ эмас эди. Чунки улар тоғли райондан чиққандан сўнг бир-бирига гоҳ қўшилиб, гоҳ ажралиб турган. Шунинг учун дарёларнинг қуйи оқими, жумладан Тошкент шаҳри атрофи ҳам қиялиги ғарбга йўналган, ейилма шаклидаги ягона текисликдан иборат бўлган.

Шуни айтиш керакки, Ангрен ва Мирзачўл майдонларида палеолит даврида қадимги одамлар мамонтни ов қилганлар. Ярим миллион йил муқаддам Тошкент шаҳри атрофида жуни узун баҳайбат каркидонлар, Чотқол тоғларида эса жирафалар, гиппарионлар яшаган. Тўртламчи даврнинг охирида (бундан 100 — 40 минг йил муқаддам) юз берган тектоник ҳаракатлар оқибатида Чирчиқ дарёси ўз ўзанини 40 — 50 метрга чуқурлатади ва аввалги тўшаган ётқизигини ювиб, ўзига янги водий очади. Ана шу пайтдан бошлаб Тошкент шаҳрининг шимолий ғарб томонлари биринчи бор қуруқликка айланади. Бу даврнинг иккинчи ярмида дарё ётқизиқлари тўшалади ва унинг қалинлиги 20— 30 метрни ташкил этади.

Пойтахтимизни кесиб ўтувчи транзит сойлардан — Қорақамиш, Салор ва шаҳар территориясидан бошланадиган Бўрижар, Бўзсув, Чўпонота, Човли ва бошқаларнинг водийлари шу даврда ҳосил бўлади. Бу сойларнинг водийлари ясси, ботиқ кўринишида бўлган. Бу даврда Чирчиқ дарёсининг ўзани ҳозирги Шота Руставели кўчаси йўналишидан шимолий-ғарб томонга ўтмаган. Ўша пайтда ҳосил бўлган юза ҳозирги кунда жуда қисқа бўлган майдонни эгаллайди, холос. Лекин бу юза Чирчиқ дарёсининг қуйи оқимида кенг майдонларни эгаллайди. Унинг устида Янгийўл шаҳри ва Ниёзбоши кишлоғи жойлашган. Ўн икки минг йилдан буёнги даврни ўз ичига қамраб олган голоцен ёки ҳозирги даврда Чирчиқ дарёси ўзига янги ўзан очади. Бунга сабаб қилиб, территориянинг тектоник кўтарилишини ва иқлимнинг ўзгаришини кўрсатсак бўлади. Чирчиқ дарёси аввал тўшаган ётқизиғини баъзи жойларда бутунлай ювиб юборади. водийнинг Тошкент— Бўка автомобиль йўли йўналишидаги кенглигини 28— 30 километрга етказади. Чирчиқ дарёсининг ҳозирги ўзанидан то темир йўл вокзалига қадар тарқалган текис майдонлар шу даврда ҳосил бўлган. Шу юза устига Чирчиқ шаҳрининг асосий қисми жойлашган. Бу даврда Қорақамиш, Бўзсув, Бўрижар, Солар водийсидаги чуқур жарлар ва уларнинг 10— 25 метрлик дара қисмлари пайдо бўлади.

Жарларнинг ўсиши ва янгиларининг ҳосил бўлиши ҳозирги кунда ҳам содир бўлмоқда. Бунга табиий кучлардан ташқари, табиатга нисбатан таъсири ҳам сабабчи бўлмоқда. Дўстлик проспекти бўйлаб метро йўлаги қурилаётган шаҳарнинг пастбаландликдан иборат бўлган шимолий-ғарб томони энг кекса, анча текис юзани ҳосил қилган, жанубий-шарк томони эса энг ёш ҳисобланади. Кекса табиий пойдеворларга қурилган биноларда дарз кетиш, йўл, трубопровод, канализация ўтган зоналарда ўпирилиш ҳодисалари бўлиб туради.

Бундай нохуш табиий ҳодисаларнинг бўлмаслиги учун «табиий пойдевор»ни ташкил этган тоғ жинсларининг инженер-геологик хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Бундай нохуш табиий ҳодисалар ёш бўлган майдонлар учун хос эмас.

Ш. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси география бўлимининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

А. СОАТОВ,
катта илмий ходим.

Ҳабиб НУЪМОН

„ОҚ ОЛТИН“

(Романдан парча)

Содиқ ота қай куни келганида дам-бадам осмонга қараб «куннинг бирдан исиб кетиши кўпам яхшилик эмас, қибла томонда бир парча булут кезиб юрибди», деган эди. Бекорга айтмаган экан, карил. Жавзонинг охирларида бўладиган бесаранжомлик бу йил яна юз берди. Тонг отар-отмас шимолдан қаттиқ шамол эса бошлади. Кетма-кет бўронга айланди. Гирдоб шудгорни ҳовучлаб олиб отгандек юлқинар, нетидан нуюқ тўзон кўтариларди. Осмонни чанг-тўзон қоплади.

Деразанинг шамолда шарақлаб очилиб ёпилишидан Йигитали уйғониб кетди. Суяркул ирғиб туриб деразани ёпдида, илгагини илиб қўйди. Баракнинг айвонига чиқишди. Адиқул ака хотини билан у-буларни шамолдан пана қилиб юрар, очиқ ҳавода турган сигир, бузоғи бирбирига суяниб қалтирарди. Олапар ит ханак орасидан тумшуғини чиқариб, қўрқа-писа индамай ётибди.

Шамол босилгандай бўлди. Лекин хиёл ўтмай боягидан ҳам кучли бўрон турди. Бу сафар шундай қуққисдан келдики, баракнинг тепасидаги шиферларни бир йўла шипириб, эллик метр нарига улоқтирди. Очиқ жойда турган енгил-елпи нарсаларнинг ҳаммасини айқаш-уйқаш қилиб юборди.

Шамол қилгуликни қилиб бўлгандек жимиди. Энди совуқ шабада эса бошлади. Чақмоқ чақиб, момогулдирак турди. Кетидан ёмғир қуйиб берди. Йирик-йирик оқ ёмғир бир дақиқагина ёғди. Бирдан ҳаммаёқни қоронғулик қоплади. Оқ ёмғир дўлга айланди. Шамол ҳар тарафдан эсар, дўл ҳавода худди оқ тўрдан тўқилган беланчак ҳилпирагандек тўда бўлиб қуйиларди. Шу алпозда чорак соат ёғди. Бамисоли қордек далани бир сидра оқартирди. Кичиги данакдек, каттаси ёнғоқдек дўл тушган жойини ўйиб кирар, кўкатларни чўрт узиб туширарди.

Яқинроқ даладаги учтўрт барги чиққан ғўзаларнинг пайҳон бўлишига қараб хаёли қочиб кетган Йигитали чурқ этиб оғиз очмас эди.

Дўл тинди. Бир-икки чақмоқ чақди. Момогулдирак гулдиради. Энди унинг товуши узоқроқдан келарди. Осмон ёриша бошлади. Қора булутлар нари жилди. Уфқдан қуёш кўринди.

Суяркул чой ҳозирлади. Унгача Йигитали пайкалга яқин бориб, ғўзаларни кўздан кечирди. Дўл баъзисини ярмидан, баъзисини бутунлай синдирган. Баъзи ғўзаларнинг барги узилиб, чўлтоқ бўлиб қолган. «Энди нима қиламиз» дерди Йигитали яккаш ўзига ўзи. Экишдан кейинги ёмғирлардан кейинги ёмғирларнинг шилтасини энди аритганда буниси ҳаммасидан ошиб тушган эди. Ёмғир-ку жуда ҳам кўп ёғмади. Тупроққа унча нам бергани йўқ. Лекин ғўза нима бўлди?

Наридан-бери чойни ичиб, далага жўнашди. Нима қилишади у ерда ҳозир. Суяркул ҳам, Йигитали ҳам бир-биридан сўрамайди. Бригаданинг деярлик ҳамма майдонига дўл тушган. Қўшни бригадаларда аҳвол нималигини билишмаса ҳам, тахминан дўл уларга ҳам ёққан.

Тушга яқин совхоз марказидан учта енгил машина келабошлади. Икки айрилиш йўлга етганда олтинчи бўлимга ўтиб, узоқ вақт йўқ бўлиб кетди. Яна кўринди. Энди бешинчи бўлимнинг ерларига ўтган эди. Ун чоғли одам Едгоройнинг бригадасида пайкалма-пайкал юриб, ҳийла вақтда бу бригадага ўтди. Директор билан бош агрономнигина танишди. Бошқалари бегона эди. Худди нариги бригададаги сингари бу бригаданинг ғўзасини пайкалма-пайкал кўриб, баракка келишди. Директор гапиргиси келмас, яккаш «нима қиламиз» дегандек одамларга қарарди.

— Дўл шундоқ уриб ди, — деди бош агроном тўртинчи, бешинчи, ва олтинчи бўлимларни. Бешинчида дўл тушмаган жой қолмабди.

Ҳисобларига қараганда, совхознинг тўрт ярим минг гектар еридан салкам икки минг гектарига дўл ёққан эди. Энг кўп зарарланган ғўза бешинчи бўлимдан Едгорой билан Йигитали бригадаси эди.

Директор ва бош агроном қолиб, бошқалар икки машинада қўшни хўжаликларга ўтиб кетди. Буларни район раҳбарлари ва мутахассислари бўлса керак, деб ўйлади. Йигитали.

— Ҳа, Йигитали, — деди Отажонов ўзини хотиржамликка олиб, — ўйлаб қолдингиз, қўрқманг, эплаштирамиз, ука.

— Нима қилсак экан энди, ака, — Йигитали бояран бери ўйлаган саволини берди.

— Кечқурун идорага боринг ўша ерда нима қилишимизни айтамиз. Кечқурун директор кабинетида мажлис бўлди. Бўлим бошлиқлари, бригадирлар, агрономлар йиғилди. Бош агроном ахборот берди. Минг гектарча ердаги ғўзанинг 40 проценти, саккиз юз гектар ердаги ғўзанинг ўртача йигирма беш проценти нобуд бўлган. Қирқ процент нобуд бўлган ғўзалар Йигитали, Едгорой бригадаси ва унинг атрофидаги бригадалар эди. Бузиб экишга вақт ўтган. Дўл урган ҳамма ердаги ғўзаларга бирсидра фосфорли ўғит сепиб чиқиб, тезда культивация қилиш кераклиги айтилди. Охирида директор:

— Механизаторларимизга яна оғир бўлади. Шу беш-ўн кун ичида дам олмасликка тўғри келади, ишонаманки, ҳаммангиз матонат билан ишлайсиз, токи қолган ғўзаларда дўл урган ғўзаларнинг ҳам ҳосилини тўплайлик. Хайр ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

Мажлис бир соатга етар-етмас давом этган эди. Йигитали кўчага чиққанда ҳали батамом қоронғу тушмаган. Кеча концерт бўлган жойда янги кино қўйиларди. Одамлар билет олиб, бирин-сирин кинотеатрга кириб кетмоқда. «Кинони кўриб кетсаммикин» хаёл қилди. Яна бир ўзим нима қиламан, тезроқ бораколай, деди. Мотоциклини тўғрилаб энди моторга ўт бераётган эди, ёнидан биров ўтди. Унинг бари ёнига тегиб кетгандек бўлди. Шунча жой туриб нега суйкалади, деб ўйлади, Йигитали. У одам нарига бориб Йигиталига ўгирилиб қарадида, йўлига жўнади. Йигитали парво қилмай мотоциклга ўт берди.

Эртасига қуёш яллиғланиб чиқди. Тушга ҳам бормай ҳаммаёқни қиздириб берди. Йигитали бунчалигини билмаган эди. Ғўзаларнинг дўлда синган туплари, барглари офтобда қуриган, мурғак ниҳоллар худди бузоқ чайнаган нишхўртдек чўлтоқ бўлиб, дала хунук қиёфага кирган. Қошга қўйган ўсмадек тизилган кўмкўк қаторларнинг узунаси қайси, кўндаланги қайси билиб бўлмасди. Юраги уюшиб кетди. Шундоқ қараганда бу ғўзаларни эпга келтиришнинг сира иложи йўқ. На чора, ишлаш керак, одам қилиш керак. Директор айтганидек оғирлик механизаторлар ва бригадирлар устига тушади.

Дирекциянинг қарорига мувофиқ ўнлаб автомашиналарда ўғит кела бошлади. Йигиталининг бригадасидаги ишчиларнинг ҳаммаси ўғит билан банд эди. Йигитали билан Суяркул культивацияга тушишган, ҳар икки машина ғўзага фосфор ҳам сепарди.

Ёнма-ён картада ишлаётган Суяркул машинасини тўхтатиб, Йигиталининг олдига келди.

— Ҳорманг ака, оёқ тузукми?

— Тузук, — Йигитали кулди, — оғриқ ҳам қочиб кетди. Нега тўхтатдинг?

— Ўғит тамом бўлди, олиб келишсин. Шу деяман ака, бекорга чангитаверамизми.

— Ғўза бор, ука — Йигитали рулдан тушди. Ҳақиқатан баъзи қаторларда ғўза кўринмас, аммо барги учиб кетиб, ғўзанинг танаси сўппайиб қолган эди.

— Мана, мана, — деб кўрсатди, Йигитали.

— Уларни мен ҳам кўряпман, аммо одам бўлармикин!

— Одам бўлади. Кўпам ваҳима қилаверма, — Йигиталининг ўзи ҳам хавотирда эди. «Ҳавонинг бу иши бўлса, қолганини ҳам саранжом қилмаса эди» деб ўйларди. Бошқа жойларда шикастланган ғўзага дарҳол сув берилади, бу ерда сув ни кўтармайди. «Тупроқдаги намнинг ўзи билан кўкариб кетади» дейишди кеча. Лекин, Йигитали «кўкариб» кетишига ишонқирамасди.

Узоқдан бир қора кўринди. Бора-бора яқинлашди. Аёл кишига ўхшайди. Наинки Едгорой бўлса. Йигиталининг кўнгли бир тарз бўлиб кетди. Ҳақиқатан Едгорой келарди. У ўртадаги бригаданинг ерини кесиб ўтиб, тўғри шу томонга келарди. «Нега ишни ташлаб келяпти» деб ўйлади, Йигитали. Қўли рулда бўлса ҳам кўзи қизда эди. Едгорой эгат бошига етиб келиб, Йигиталининг ер бошидан қайрилиб келишини кутиб турди. Йигитали етиб келиб, рулдан сакраб тушди-да у билан кўришди.

— Келинг-келинг. Қанақа шамол учирди.

— Ўзим, бир айланиб келай дедим. Дўлдан қўрқмадингизми, — қиз ярим кулги билан шундай деди-ю, Йигиталига зимдан разм солди, — ҳайрият оёғингиз яхши бўлиб кетибди.

Йигитали пешанасидаги кўн дори суртилган чақани қўли билан пайпаслаб:

— Раҳмат эслаганингиз учун, — деди.

Шундай деди-ю ўзи ўнғайсизланиб кетди. «Эслаганингиз учун» ибораси ётдек туюлди. Лекин, қизнинг чеҳрасида бу кутган эътироз ўрнига енгиллик ва хайриҳоҳликни кўриб кўнгли тинчиди. Кўнгли тинчидигина эмас, Едгоройни кечаги воқеадан кейин фақат кўнгил сўраш учун келган деб, фараз қилиб, қалбини илиқ бир нарса сийпалагандек сезди ўзини.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

Ким бўлсам экан?

Малакали мутахассислар тайёрланади

Республика электотехника медицина техникуми ўн йил давомида кўзга кўринган илм даргоҳларидан бирига айланди. Бу ерда медицина асбоблари бўйича мутахассислар етишиб чиқадилар. Биз техникум директори, медицина фанлари кандидати Эркин Алимбоевдан техникумда олиб борилаётган ишлар ва келажакдаги режалари ҳақида қисқача гапириб беришни илтимос қилдик.

— 1965 йил декабрь ойида республика медицина билим юрти базасида республика электротехника медицина техникуми ташкил қилинди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг совет медицинасини ривожлантириш бўйича кўрсатган яна бир оталарча ғамхўрлигининг намунаси бўлди. Ҳар бир поликлиника, амбулатория, медицина-санитария бўлими, касалхоналарда медицина асбоб-ускуналари, рентген аппаратлари мавжуд бўлиб, уларнинг тўхтовсиз ишлаши учун техник талаб қилинади, —дейди Э. Алимбоев. —Уларга хизмат кўрсатадиган техникларни бизнинг техникумимиз етказиб бермоқда. Ҳозирги кунгача электрон медицина асбоблари ва рентген аппаратлари бўйича 668 техник етказиб берилди. Улар республикамиз областларидан ташқари, қардош республикаларда, жумладан Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистонда самарали ишламоқдалар.

Ҳозирги кунда техникумда медицина ва ремонт аппаратлари бўйича 12 та группада машғулотлар олиб борилмоқда. Булар орасида қардош республикалардан келган 60 ёш медицина аппаратлари бўйича билим чўққиларини эгаллашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва уларни тарбиялашда юздан ортиқ ўқитувчи ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Ўқитувчилардан Д. Расулов, А. Деҳқонов, Х. Исмоилов, К. Нуритдинов, Н. Полежаева, А. Оқиловларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Студентларнинг билим олишлари ва маиший хизматлари учун кутубхона, ётоқхона, дам олиш уйлари ва буфет бор. Студентлар олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш учун техникумда ташкил этилган рентген аппарат, электромедицина аппаратлари, радиотехника, электротехника каби тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Бу тўгаракларда 75 ўқувчи фаол қатнашиб, бўлажак студент конференцияларига мақолалар тайёрлашмоқда.

Студентлар хизматидаги лаборатория ва кабинетлар замонавий аппаратлар билан жиҳозланган. Амалий машғулотлар илмий-оммабоп кинолар кўрсатиш билан олиб борилади.

Техникумда энг яхши ўқувчиларимиздан С. Иброҳимов, Б. Рашидов, Д. Жумагелдиев, В. Краснов, А. Осипова, Т. Мирзаева, Б. Юсуповлар номларини тилга олиш мумкин. Булар фақатгина ўқишда эмас, балки жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқдалар. Ўқувчиларимиз ишлаб чиқариш практикаларини энг замонавий касалхоналарда ва «Узмедтехника»нинг рентген аппаратларини тузатиш лабораторияларида ўтказишмоқда.

1975 йили республикамизда биринчи бўлиб, республика электротехника билим юрти қошида янги медицина — оптика бўлими очилди, ҳозир унда 60 ўқувчи таълим олмоқда. Келажакда булар оптика, айниқса, кўзойнак соҳасида энг яхши мутахассис бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

КПСС XXV съезди материалларидан илҳомланган техникум маъмурияти партия ва касаба союз ташкилотларига суянган ҳолда билимлар даражасини ошириш, ўқувчиларнинг ўз соҳалари бўйича яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун билим ва тажрибаларини аямай, барча имкониятлардан ана шу мақсад йўлида фойдаланмоқда.

О. МАДРАҲИМОВ,
Н. ҚОСИМОВ.

СУРАТДА: ўқитувчи Д. Расулов ўқувчилар билан амалий машғулот олиб бормоқда.

Битирувчилар концерти

Успенский номли Тошкент музика мактабининг педагогик коллективи ва ўқувчилари ёзги синов имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Яқинда битирувчи синф ўқувчилари ўз билимларини амалда синаб кўрдилар. Улар тўқимачилар маданият саройида ҳамда «Баҳор» концерт залида катта концерт бердилар. Н. Амедов, И. Миллер ва Қ. Қосимовалар ижро этган симфоник куй ва қўшиқлар томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Битирувчи синф ўқувчиси Д. Алимуллаева маҳорат билан ижро этган куй ва қўшиқлари учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Бу йил музика мактабини 60 дан ортиқ ўқувчи битириб чиқади. Ўқувчиларга музика сирларини ўргатишда Г. А. Попов, Е. Г. Лисовская, Р. И. Рўзматова ва М. Н. Зайко каби ўқитувчилар ўз маҳоратларини аямаяптилар.

▲ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

Гулламасдан мева тугади

Ҳозир Суми областининг колхоз боғлари оқиш нимпушти либосда. Лекин Воронеж посёлкасида пенсионер муаллим Ф. М. Тараменконинг томорқасидаги олманинг шохларида тугилган кўмкўк мевалар шовуллек. Боғбонлар уни ғаройиб олма дейишади. У ҳали бирон марта ҳам гулламаган бўлсада, ҳар йили мўл ҳосил бериб туради. Шохдан олмалар беш-олтитадан ғуж бўлиб, августнинг иккинчи ярмида етилади. Олмалар йирик —150 граммгача боради: бир оз чўзинчоқ бўлиб, тилик-тилик шаклда бўлади.

—Бу ҳодиса партенокардия деб аталади, яъни чангланмасдан мева етилади, деган маънони билдиради, — дейишди область қишлоқ хўжалик тажриба станциясида. — Олмада бу ҳодиса камдан-кам учрайди. Гулламайдиган куртакдан тугилиб етилувчи олманинг уруги бўлмайди, шунинг учун ҳам бундай дарахтларни фақат пайванд қилиш орқали кўпайтириш мумкин. Пайванди ҳам гулламасдан мева тугаверади.

В. ШЕВЕЛЕВ,
ТАСС мухбири.

ТАРИХ САДОСИ

XI АСРГА САЁҲАТ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати Б. Кочнев Китоб шаҳридан топилган қорайиб кетган тўртта тангани текшираётиб, XI асрга қизиқарли бир саёҳат қилди.

Тангалар ҳижрий 470 ва 476-йили Самарқандда чиқарилган дирҳамлар бўлиб чиқди. У эрамизнинг 1077 ва 1083-йилларига тўғри келади. Тангаларга қорахонийлар сулоласидан бўлган турк ҳукмдорларининг номлари зарб этилган. Ўшалар ҳаётлигида Бухорода янги Жомий масжиди ва турли ҳайвонотлар сақланадиган қўриқхона, дабдабали карвонсаройлар қурилган.

Лекин тангаларга кўра ўша даврда давлатнинг иши дуруст эмаслиги маълум бўлади. Танга кумуши пробасининг пастлиги XI—XII асрларда Ўрта Осиёдаги давлат тузумининг иқтисодий таназзулини билдиради.

— Ўша даврнинг дирҳамлари камдан-кам учрайди, — дейди олим.— Эрмитажда бир нечтаси бор. Шунинг учун ҳам Китоб яқинидан топилган тангалар катта аҳамиятга эга.

В. ШУМАЙЛОВ.
ЎзТАГ мухбири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

БЕЛГРАД. Югославия Социалистик Федератив Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи — республика скупшчинасида 1976 — 1980 йилларда Югославияни ривожлантириш плани лойиҳасини муҳокама қилиш тамомланмоқда. Планнинг биринчи боблари тасдиқланди. Бу бобларга яқин беш йил ичида Югославия экономикасини ривожлантиришнинг умумий характеристикаси белгиланди. Бу характеристикалар, жумладан, Югославия Социалистик Федератив Республикасида ижтимоий маҳсулотни йилига ўрта ҳисобда 6—7 процент кўпайтиришни кўзда тутади.

АМЕРИКА КАЛЕЙДОСКОПИ

Ой сирлари

«Нью-Йорк» Таймс»

Кейинги пайтда Ойда рўй бераётган ғалати ўзгаришлар космик тадқиқот мутахассисларини ҳайрон қолдирмоқда. Негаки, «Аппалон-14» кемасининг космонавтлари Ойга ўрнатиб тушган илмий станция кейинги пайтда ғалати ишлай бошлади. Шу пайтгача Ой сатҳида ишлаб турган станция ўзидан ўзи маълумотлар беришни тўхтатиб қўйди. Бу воқеа 1971 йил февраль ойидан буён биринчи марта рўй берди. Аммо орадан бир неча ҳафта ўтгач, станция ўзидан-ўзи аввалгисидан ҳам яхши ишлаб кетди.

Хьюстон яқинидаги Джонсон номли космик тадқиқотлар Марказининг техник мутахассислари станцияга таъсир этаётган куч яна қандай «ҳунар» кўрсатишини кутмоқдалар.

Аэронавтика ва космик бўшлиқларини ўрганиш миллий Бошқармаси (НАСА)нинг Хьюстондаги расмий вакили Чарльз Редмонд шундай деди: «Бу қандайдир сирли ҳодиса. Бизнинг бир қанча ходимларимиз Ойда нима рўй бераётганини текшириш билан банд».

Ойдаги сирли ҳодиса 1975 йил март ойида бошланди. Станция приёмниги ўзидан ўзи ишдан тўхтади. Операторларнинг Ердан бераётган сигналини ололмай қолди. Шу йил 18 январда эса передатчик ҳам ишдан чиқди. Лекин 19 февралда унинг аппаратураси ўзидан ўзи яна ишлай бошлади.

Қизиғи шундаки, илгарилари Ойнинг жазирама кунида ишламайдиган аппаратлар энди кеча-кундуз баробар ахборот берадиган бўлиб қолди. Орадан роппа-роса бир ой ўтгач қандайдир сирли куч станцияни яна ишлатмай қўйди. Редмонднинг айтишига қараганда бу воқеаларнинг барчаси Ойдаги температуранинг экспериментал ўзгаришидан бўлса керак. Кун тиккага келганда Ой сатҳининг ҳарорати Фаренгейт бўйича 250 даражага етади. 29 кундан кейин Ойда тун бошланади. Бу пайтда 300 даража совуқ бўлади.

Лекин станция Ой тунида ҳам, кунида ҳам тўхтовсиз ишлаганлиги ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда.

Магазинларга ҳужум

Нью-Йоркдаги универмагдан бирига 30 нафар ўсмир қиз ёпирилиб кирди. Қоровулни уриб йиқитишди. Баҳоси 20 минг доллар турадиган чарм пальтони ўғирлаб кўздан ғойиб бўлишди.

Флоридада бошқа бир ўғри қўлга тушди. Бу кекса аёл магазиндан жажжи телевизор ўғирлаб, узун юбкасининг тагига яшириб чиқиб кетаётган экан.

Вашингтондаги универмагнинг қоровуллар бошлиғи пардоз анжомларини ўғирлаб кетаётганида қўлга тушди.

«Вашингтон пост» газетаси шулар ҳақида хабар бериб, кейинги пайтларда Қўшма Штатларда магазинларда ўғирлик қилиш кенг тус олганини айтади. Ҳар йили мамлакатда 4 миллион ўғри-харидор қўлга тушади. Полиция хабарига қараганда улар магазин ўғриларининг учдан бир қисми экан холос. Қолган ўғрилар қўлга тушмаяпти. Улар шоколад конфетлардан тортиб қимматбаҳо манто ва тилла буюмларгача ўғирлашар экан. Массачусет университетида ғалати савол-жавоб ўтказилди. Юз студентдан 77 киши умрида ҳеч бўлмаса бир марта ўғрилик қилганини тан олди. Уларнинг 50 фоизи эса ҳамон шу «ҳунар» билан шуғулланар эди. Нью-Йоркдаги универмаглардан бирида ҳам шундай текшириш ўтказилди. 500 нафар харидор текшириб кўрилганида уларнинг 12 дан бир қисми қўлига илинган нарсани ўғирлашга ҳаракат қилганлиги аниқланди. Бостондаги полиция раҳбари Бернер Хьюз шундай деб шикоят қилади: «Биз докторларни, адвокатлар, ўқитувчилар, моҳах аёллар, диндорларни ўғирлик устида қўлга туширяпмиз».

Пештахталардан нарса ўғирлаш шу қадар кенг тус олдики, Филадельфиядаги бир суд фақат дўкон ўғрилари билан шуғулланадиган бўлди. Американинг бошқа шаҳарларида ҳам шунақа антиқа судлар пайдо бўлса керак. Негаки, жиноятга қарши кураш Миллий кенгашининг ахборотига қараганда бундай ўғирлик АҚШда 1960 йилдан 1973 йилгача 221 процент ўсган.

С. КОБИШ.
(«За рубежом»дан)

Трилогиянинг тугалланиши

ПРАГА. Чехословакиянинг машҳур режиссёри Отакар Вавра ҳозирги вақтда Чехословакия Социалистик Республикасининг пойтахтида «Халоскорлик» фильмини суратга олмоқда. У ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: «миннатдор Прага бизни гитлерчилар асоратидан халос қилган Совет Армиясининг жасоратини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Бу жасоратни ва баррикадаларда совет жангчиларини шоду-хуррамлик билан кутиб олган прагаликлар курашини иккинчи жаҳон уруши воқеаларига бағишланган трилогиянинг охирги фильмида тасвирлаб беришни истайман».

(ТАСС).

Штарнберглик (ГФР) Максимилиан Хорнгахер жуда кам учрайдиган касб эгаси. У арфа чолғу асбобини ясайди. Бир арфани йиғиш учун ярим йилга яқин вақт, 2 мингдан зиёд ҳар хил деталлар ва юксак маҳорат талаб қилинади.

ДПА—ТАСС фотоси.

БУГУН—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ



ҚУВОНЧ... ТАСС фотохроникаси.

Фарзандларимизга муҳаббат

Бугун болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни. Бу куннинг нишонлаш ташаббуси биринчи марта Москвада туғилди. Шундан бери прогрессив инсоният бу кунни байрам сифатида нишонлаб келади.

Ҳўш, ўтган давр мобайнида биз болалар соғлигини сақлаш уларнинг бахтли яшаши ва илм олиши учун нималар қилдик? Ўзбекистонда ҳам ёш авлоднинг ўқиши ва тарбияланиши ҳамда уларга давлат медицина хизмати кўрсатилиши йил сайин ўсиб бормоқда. Олимлар ва врачлар болалар касалликини даволаш ва олдини олиш борасида жуда кўп ишлар қилдилар. Ҳозирги республикамизда болалар соғлигини сақлаш ишида 4500 дан ортиқ врач-педиатр ва 2000 дан ортиқ акушер-гинеколог хизмат қилаяпти.

Республика пойтахтида 8 болалар санаторийси мавжуд бўлиб, 4-санаторийда нафас йўли органи, 5-санаторийда меъдачиак, «Ўзбекистон 15 йиллиги»да эса ревматизм билан оғриган болалар даволанади.

Шаҳримизнинг баҳаво жойида Н. К. Крупская номли болалар санаторийси жойлашган. Унда ташкилий-методик кабинет ишлаб турибди.

Бизда айниқса, болалар хирургияси, ортопедия, стоматология, психоневрология касалликларини даволаш юксалиб бораяпти. Шунингдек, янги туғилган чақалоқларга барча лозим бўлган ёрдамлар ўз вақтида бериб борилади.

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида 12 та туғруқхона ва аёллар консультация кабинетлари ишлаб турибди. Ҳар бир ҳомиладор аёл у ердаги врачлар назоратида бўлади. Болалар поликлиникалари диспансер принципи бўйича ишлайди. Ҳозир шаҳримизда 35 та поликлиника бўлиб, ундан 18 та мустақил, 17 таси эса ташкилотлар ихтиёрида.

Стационар даволашга муҳтож бўлган болалар дарҳол болалар касалхоналарига ётқизилади. Ҳозир бундай касалхоналар сони 15 тага етди.

Янги беш йилликда болалар шифохоналари сони яна ҳам ортади. Юнусободда 300 ўринли болалар касалхонаси очилади.

Совет Иттифоқидаги барча болалар доимий равишда медицина кўригида бўладилар. Бизнинг давлатимиз болалар ҳақида қандай ғамхўрлик қилиш кераклигини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда.

М. САЪДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги болалар ва оналарга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

Йўлдош шаҳарча музейи

Йўлдош шаҳарчада тарихий музей очилди. Район марказидаги 3-ўрта мактабда музейни очиш тантанаси бўлди.

Бир неча хоналарга қўйилган музей экспонатлари йўлдош шаҳарча тарихи ва келажаги ҳақида ҳикоя қилади. Шаҳарчага биринчи пойдевор қўйганлар, уни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Қисқа муддат ичида шаҳарчани бунёд этган ҳарбий қурувчилар тўғрисида 300 дан зиёд фотосуратлар музей залларидан жой олган.

Бундан ташқари бу ерга қўйилган экспонатлар шаҳарча истиқболи ҳақида ҳам тўлиқ маълумот беради. Ўнинчи беш йилликда район марказида 130 гектар жойда тўртта микрорайон қурилади. 300 минг квадрат метрдан зиёд турар жой бинолари барпо этилади. Бир кунда 850 кишига хизмат кўрсатадиган универсал магазин, 600 ўринли кинотеатр, 4 минг кичкинтойга мўлжалланган бир неча болалар боғчалари, 6 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб ана шу район марказида ташкил топади. Турар жой биноларининг аксарияти тўққиз қаватли бўлади.

ЗАВҚЛИ САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Шаҳримиздаги 63-ҳунар-техника билим юртида курслар ва группалар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Мусобақа шартларининг қай тарзда бажарилиши ҳар кварталда якунланиб, ўқиш ва жамоат ишларида юқори кўрсаткичларга эришган группаларнинг ўқувчилари тақдирланади.

Бу беш йилликнинг биринчи кварталида 3-курслар орасида 3-группа, 1, 2-курслар бўйича 29, 65-группалар пешқадамлик қилдилар. Билим даргоҳининг фахри ҳисобланган бу группаларнинг аълочи ва жамоатчи студентларидан бир группаси партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг ташаккурномасини ва қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилиш ҳуқуқини олган эдилар. Якинда бўлажак қурувчилар Москва, Одесса, Брест, Керч, Севастополь шаҳарларида бўлиб, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишиб қайтдилар. Шу кунларда саёҳатчи студентлар ўз таассуротларини курсдошларига гапириб бераётирлар.

Қ. МАЛИКОВ.

Шахмат янгиликлари

МЕЗБОН ЧЕМПИОН

Марказий шахмат-шашка клубида шахмат бўйича аёллар ўртасида 34-республика чемпионати тугади. Охирги 12 турда халқаро мастер Валентина Борисенко бўш бўлди. Собиқ шаҳар чемпиони, мастерликка номзод Роза Портон, Анна Бабушкинани, Любовь Гольдман Надежда Кильяновани, Герритта Лим Раиса Косени, ургенчлик ўқувчи Маргарита Новицкая Надежда Бубенцовани, шаҳар чемпиони Ирина Рубинчик шаҳар экс чемпиони Лидия Захарованы, Надежда Шевцова Урхон Турдиевани маглуб этди.

Шундай қилиб 12 имкониятдан 10,5 очко тўплаган халқаро мастер Валентина Борисенко чемпион бўлди. У шу билан республика чемпионлигига тўртинчи марта эришди. Иккинчи ва учинчи ўринларни ўнтадан очко тўплаган Любовь Гольдман ҳамда Роза Портонлар эгаллади.

Ғолиб шахматчилар республика спорт комитетининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. Шунингдек энг яхши ўйин кўрсатган шахматчилар ҳам махсус совринлар билан мукофотландилар. Улар келгуси йилда бўладиган республика чемпионатида саралаш ўйинларисиз иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Клубда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг командалари ўртасида шахмат бўйича область биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Чирчиқнинг «Сплав», «Чимён», «Тўқимачи», «Ташсельмаш» командалари иштирок этди. Биринчи ўринни «Чимён» командаси 9,5 очко билан эгаллади. Иккинчи ўринни 6 очко билан «Ташсельмаш» командаси, учинчи ўринни 4,5 очко билан «Текстильщик» командалари олди. Мусобақада уч эркак, бир аёл бир-бирлари билан учрашадилар. Биринчи тахтада 3 имкониятдан 2,5 очко тўплаган «Ташсельмаш» вакили, мастерликка номзод Игорь Фолсон нишқибозларга манзур бўларли ўйин кўрсатдилар. Иккинчи тахтада «Чимён» вакили Александр Когон уч имкониятдан 2,5 очко тўплади. Аёллар тахтасида 12-ёшли 1 разрядли чимёнлик шахматчи Фарида Ҳасанова уч имкониятдан уч очко тўплади. Ғолиблар «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг дипломлари ва махсус совринлари билан мукофотландилар. Мусобақага республика тоифасидаги судья Ҳусан Набирҳўжаев судьялик қилди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—1|VI да Аяжонларим, 2|VI да Уйланиш, 3|VI да Оқшомдан тушгача.

КИНО

1 ИЮНДА

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (17, 20), «ВОСТОК» (18, 20, 21.30).

Муҳаббат йўлидаги жиноят — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда). ҲАМЗА номли (18, 20).

Филлар — менинг дўстларим — С. РАҲИМОВ номли (17.30, 20.15).

Петр Мартинович ва катта ҳаёт йиллари — «ПИОНЕР» (19, 21).

2 ИЮНДА

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (11, 14, 17, 20), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Муҳаббат йўлидаги жиноят — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда). ҲАМЗА номли (10, 11.30, 13, 14.30, 16, 18, 20).

Филлар — менинг дўстларим — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

Петр Мартинович ва катта ҳаёт йиллари — «ПИОНЕР» (19, 21).

Асфальт-бетон ишлаб чиқариш бўйича
РЕСПУБЛИКА САНОАТ БИРЛАШМАСИГА
қурилиш бўйича бош инженер ўринбосари, юк ташиш бўлими ва конструкторлик бўлими бошлиқлари, инженер қурувчилар, нормаловчи, иқтисодчилар, бухгалтер-ревизор

КЕРАК

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг, «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестига қарашли 4-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА
шоферлар, экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автогрейдер машинистлари, слесарлар (улар механизаторлар курсида ўқитилади)

КЕРАК
Меҳнат ҳақи — ишбай ва вақтбай-мукофотли.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛИМИГА
доимий пропискага эга бўлган оилали гражданлар Қозоғистон ССРнинг Тургай область совхозларида ишлаш учун

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!
БОЛАЛАРНИ ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИГА ОММАВИЙ РАВИШДА ЖЎНАТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН
1—10 ИЮНЬ КУНЛАРИ
ШАҲАРДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ҚАТНАЙДИГАН МАРШРУТЛАРДАГИ АВТОБУСЛАР
ҚАМАЙТИРИЛАДИ
«ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС».

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети
Ф. ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ 1-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
143-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1976—77 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:
пойафзал юзини тайёрловчилар, пойафзални қолипга тортувчилар, слесарь-ремонтчилар — ўқиш муддати 2 йил; қирқувчи, пойафзал таг қисми деталларини мустаҳкамловчилар — ўқиш муддати 1 йил; тайёр маҳсулотлар ярим фабрикатлари контролёрлари
ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Билим юрти яхши ошхонага эга, унда ўқувчилар учун турли-туман таомлар тайёрланади. Маданий ҳордиқ чиқарувчилар учун пойафзалчилар маданият саройининг эшиклари очиқ.
Мутахассисликлар бўйича машғулотлар юксак педагогик савияда, турли хил кўргазма қуролларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.
Аълочи ўқувчилар фабрика маъмурияти томонидан рағбатлантириладн, уларга дам олиш уйларига, санаторийларга путёвкалар берилади, билим юртини битирганлар техникум ва институтларга йўлланма оладилар.
БИЛИМ ЮРТИГА ЕШИ 15 ГА ТЎЛГАН ВА УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН 7, 8, 9, 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юрти ҳузурида ўрта маълумот берувчи ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.
БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТЎЛА ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР, (уларга уч маҳал овқат ва кийим-бош берилади), ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ОЛАДИЛАР.
Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тавсия этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, метрика ёки паспорт, яшаш жойи, ота-онасининг иш жойидан справкалар, ўқиш жойидан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см.).
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй, (1-пойафзал фабрикаси).
Қабул комиссияси — Пойафзалчилар маданият саройида соат 9 дан 17.00 гача ишлайди. (14, 103-автобуслар, 2, 7, 12, 14, 6-троллейбусларнинг «Пойафзалчилар маданият саройи» бекати). Телефон: 53—99—04.

ТОЗА, ТЕЗ ВА АРЗОН!

ОКТЯБРЬ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИ!
3-ҲАММОМ-КИР ЮВИШ КОМБИНАТИ
СИЗНИНГ МЕҲНАТИНГИЗНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ВА СИЗГА ҒАМХЎРЛИК ТАРИҚАСИДА КИРИНГИЗНИ ЮВИБ, ҚРАХМАЛЛАБ, ДАЗМОЛЛАБ БЕРИШНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БУНИНГ УЧУН СИЗ КИРИНГИЗНИ 10 ТА ҚАБУЛ ПУНКТИДАН БИРИГА ТОПШИРИБ, 5—7 КУНДАН СЎНГ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
Хоҳласангиз қабул қилувчини уйингизга кир топшириш учун 44—35—75, 44—37—67 номерли телефонлар орқали чақиришингиз мумкин. Шу телефонлар орқали кир ювиш бўйича керакли ахборот олишингиз мумкин.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

26 — Марказ-13 квартали, Авиационный проезд, 20-ҳаммом;
27 — У. Юсупов кўчаси, 10-уй. «Маиший хизмат уйи»;
28 — Навоий кўчаси, 3-уй (ҳовлидан кирилади);
29 — Бируний проспекти, Марказ-27 квартали (тўққиз қаватли бино), 5-уй;
30 — Беҳзод кўчаси, 12-уй, 25-ҳаммом биносида;
31 — Зиё Саид кўчаси, Бешқайрағоч массиви, 28-ҳаммом биносида;
32 — Али Қушчи кўчаси, 257-уй, 7-ҳаммом биносида;
33 — «Оқтепа» массиви, 6-уй, (ҳовлидан кирилади);
34 — Олмазор кўчаси, 152-уй (Халқ хўжалиги институти қаршисида);
35 — Марказ-26-квартали, 89-уй, 1-подъезд.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ СЕШАНБА ВА ЧОРШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН КЕЧ 7 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ТЕЗДА КИР КИЙИМЛАРНИ ЮВДИРИШ УЧУН 3-ҲАММОМ БИНОСИДАГИ 1-ҚАБУЛ ПУНКТИГА УЧРАШИНГ.
Қабул пунктларининг хизмат кўрсатиши тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга маълум қилинг: 700002, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 14-уй, коммунал корхоналари бошқармаси. Телефонлар: 44—50—26, 44—03—53, 44—03—57, 44—14—10.

СИЗНИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА КУТАМИЗ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КОММУНАЛ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

Шу йил 1 июндан бошлаб ҳайдовчиларга малака даражалари ва шоферлик гувоҳномаларини бериш, уларни транспорт воситаларини бошқаришга қўйиш бўйича янги Низом кучга киради.

ЮКСАК МАҲОРАТ— ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Бутун мамлакатдаги каби Тошкентда ҳам сўнгги йилларда автомобиль тараққиёти кенг кўламда ривож топмоқда. Буни шаҳар автомагистралларини тўлдириб ҳаракат қилаётган кучли транспорт оқимидан ҳам билса бўлади.

Автомобиллаштиришнинг тез суръатлар билан усишининг ўз навбатида ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Шунинг учун ҳам кўп кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмуши ёки азият чекишига сабаб бўлаётган йўл транспорт ҳодисалари олдини олиш учун кураш биринчи даражали вазифамиз бўлмоғи лозим.

Ҳаракат хавфсизлиги кўп жиҳатдан транспорт воситалари ҳайдовчиларининг юксак касб маҳоратига боғлиқлигини инобатга олиб, СССР Министрлар Совети СССР Ички ишлар министрлигига шоферларга маҳорат даражалари ва ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этиш юзасидан янги низомни ишлаб чиқишни топширди.

Янги низом бугундан бошлаб кучга киради. Бу ҳужжатдаги талаблар ҳозирги замон мураккаб йўл шароитлари ҳамда илғор автомобиль техникасини бошқариш, ундан фойдаланиш хусусиятларини ўзида акс эттирган. Ҳайдовчиларнинг малакаси даражаси хусусида ҳам унда кўпгина янгиликлар мавжуд. Чунончи, барча ҳайдовчиларга бериладиган ягона намунадаги шоферлик гувоҳномалари лотин алифбеси ҳарфлари қайд этилган графаларга ажратилган. Унинг бланкнлари А (мотоцикл ҳайдовчиси)дан бошлаб Е (прицеп тиркалган автомобиль ҳайдовчиси ёки рухсат этилган максимал оғирлиги 750 килограммдан кўп бўлган) гача бўлган литерларга ажратилган. Ҳар бир литер, яъни босма ҳарф белгиси туширилган графага тегишли турдаги транспорт воситасини бошқаришга «рухсат этилади» деган штамп-муҳр босилади. Трамвай-троллейбус, мопед, мотоколяскаларни бошқарувчилар гувоҳномаларининг тегишли графасига ҳам айнан ўша турдаги транспорт воситаси номини кўрсатувчи штамп босилади. Масалан, трамвай-троллейбус, мотоколяска ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бундан буён ҳайдовчи ўз гувоҳномасидаги белгида кўрсатилган транспорт воситасини бошқараолади.

Ҳаваскор ҳайдовчи учун эса гувоҳноманинг «В» пунктида белги бўлиб, босилган штампда «ишлашга ҳаққи йўқ», деган ёзув бўлади. Профессионал ҳайдовчилар ҳужжатида бундай штамп бўлмайди. Улар автомобиль ҳужжатларида рухсат этилган оғирлиги 3,5 тоннадан ошиқ бўлмаган автомобилларда ишлай оладилар.

Ҳужжатларининг «Д» пунктида белгиси бўлмаган ҳайдовчилар стажларидан қатъий назар автобусларда, «Е» пунктида белгиси бўлмаганлар эса максимал оғирлиги 750 килограммдан кўп бўлган прицепли машиналарда ишлашга қўйилмайдилар.

Одам ташийдиган транспортларда ишловчи ҳайдовчиларнинг масъулиятларини ошириш мақсадида улардан касб малакаларини тўхтовсиз ошириб бориш талаб қилинади. Улар гувоҳномаларининг «Е» пунктида тегишли белги қўйдиришлари учун «В» ва «С» пунктлари талаби бўйича транспорт воситаларида камида бир йил ишлаган бўлишлари керак.

Шаҳарлараро автобуслар ёки махсус жиҳозланган транспорт воситаларини (сирена ёки бошқалар) бошқариш ҳуқуқини олиш учун эса шу вақтга қадар ана шундай транспорт воситаларида уч йил ишлаш керак бўлади.

Мотоцикл, мотоколяска, мопедни бошқариш ҳуқуқи аввалгидек 16, автомобиль, трамвай, троллейбусни ҳайдаш ҳуқуқи киши-ларга 18 ёшга кирганларида берилади. «Такси» машиналари, 8 ўриндан жойи кўп бўлган автобусларни бошқариш ҳуқуқини 20 ёшга кирган шахсларга берилади.

Ҳар қандай транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини олиш учун махсус ўқув юртларида тегишли программа бўйича ўқиш зарур. Ўқинганлиқни тасдиқловчи ҳужжат Давлат автомобиль инспекцияси имтиҳон топшириш ҳуқуқини беради. Бошқариш юзасидан бўлган амалий синов эса, номзоддан ўзи топширмоқчи бўлган транспорт турида қабул қилинади.

Ишга кириш ёки эски ҳужжатларини алмаштирмоқчи бўлган шахслар сўнгги 12 ойда ҳайдовчи бўлиб ишламаган бўлсалар, кўчада ҳаракат қоидалари ва транспортни бошқариш бўйича имтиҳон топширадилар. Шофер бўлиб уч йилдан ортиқ ишламаганлар эса медицина кўригидан ҳам ўтишлари шарт.

Янги гувоҳномалар 10 йил муддатга берилади. Медицина комиссия хулосаси билан вақти-вақтида назорат қилиб туриш зарур бўлган ҳолларда гувоҳномалар бундан ҳам қисқа муддатларга берилиши мумкин.

Эски гувоҳномаларнинг алмаштириш тартиби қандай бўлади? Бунинг учун ҳайдовчилардан нималар талаб қилинади ва улар алмаштириш эвазига қанақа ҳужжат олишади?

Гувоҳномаларни алмаштириш учун ва янги гувоҳнома олишда ГАИда сақланадиган медицина комиссияси справкаси ва ҳисоб (имтиҳон) карточкаси бўлиши керак. Бошқа республика шаҳарларида ҳайдовчилик гувоҳномаларини олганлар эса ўша ерга ўз карточкаларини ГАИ орқали юбориш учун талаб хатлари ёзишлари лозим. Шунингдек, уларда сўнгги 12 ойда ҳайдовчи бўлиб ишлаганликларини тасдиқловчи справкалари ҳам бўлиши зарур. Мабодо огоҳлантириш талонида ҳаракат қоидаларини бузганликлари учун тешиклар бўлса ва шундан буён орадан бир йил ўтмаган бўлса, бундай ҳайдовчи йўл қоидаларидан имтиҳон топширишга жўнатилади.

Мотоциклни бошқариш гувоҳномалари янгисининг «А» пунктига тегишли белги қўйиш билан алмаштирилади.

Ҳаваскор ҳайдовчи гувоҳномаси бланкасининг «В» пунктида белги ва «ишлай олмайди» деган штамп босилган бўлади.

Биринчи, иккинчи класс ҳайдовчиларидан курс программасини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳномаларга эътибор берилмайди. Чунки, бу масала автомобиль хўжаликларида ишлаётган ҳайдовчиларнинг меҳнат дафтарчаларида ўз ифодасини топган бўлади. Агар учинчи класс ҳайдовчиси гувоҳномаси билан бирга автобусда ишлаб келганлиги тўғрисида справка топширса ва у бошқа талабларга тўла жавоб бера олса, янги гувоҳномадаги «Д» пунктига ҳам белги қўйиб берилади. Бу ҳақда янги низомда кўзда тутилган.

Маъмурий ишда ҳам кўпгина янгиликлар белгиланган. Ниҳоят, икки оғиз сўз имтиҳон ҳақида. Биз аллақачон ҳайдовчилардан транспортни бошқариш бўйича билимларини синаб кўришда мураккаблаштирилган имтиҳон системасини қўллаяпмиз. Мураккаб йўл шароитларида машинани қувиб ўтиш, тўхтатиш, орқага юриб-риш кўриш машқлари бўйича улар ички синовдан ўтадилар. Тўғри, ишга бундай ёндошиш дастлабки вақтларда курсларда ўқувчиларда норозилик туғдирганди. Аммо, янги низомда имтиҳонларни айнан ана шу асосда ташкил этиш кўзда тутилган.

Шубҳа йўққи, жорий этилган ва амалда қўллашга киришилган бу янги Низом талаблари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда асосий дастур бўлиб хизмат қилади.

М. САЛОҲИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи, милиция подполковниги.

(Газетанинг навбатдаги сони 3 июнда чиқади).

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

Телевизор экранида

1 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 18.00 «Қувноқ нотлар». Ёш вокалистлар концерти. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Музикали абонемент». А. Бородин. Иккинчи симфония. 20.00 «Оилавий суҳбат». Кўрсатувни педагогика фанлари Академиясининг мухбир аъзоси З. А. Малькова олиб боради. 20.30 СССР халқ артисти М. Биешу концерти. П. И. Чайковский номли концерт залидан олиб кўрсатилади. 21.30 Катталар учун мультфильмлар программаси. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (М). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!» «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати, ижодий изланиш». 1-кўрсатув. **Узбек тилида:** 20.00 «Тўйлар ҳақида ўйлар». 20.20 «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион новеллалар театри. Порошурам. «Қаҳрамонни ўлдирманг». 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети». Пахтачилик факультети. 23.00 «Уч қитъа кинохужжатчилари». Кинокўрсатув (рус.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 18.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

2 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Этик кийган мушук». Мультфильм. 10.50 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.35 СССР халқ артисти М. Биешу концерти. П. И. Чайковский номли концерт залидан олиб кўрсатилади. 15.20 Гомер. «Одиссея». 2-кўрсатув. 16.20 «Сиз яратган боғ». 16.50 «Қора тоғ». Бадиий фильм. 18.15 «Китоб сенинг ҳаётингда». «Сиз шеърларни севасизми?». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.35 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.05 «Жасорат». 20.35 «Спортлото» тиражи. 20.45 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Фильм-концерт премьераси. «Экран» ижодий уюшмаси. 23.35 Спорт бўйича халқаро мусобақалар. 23.50 «Янгра қўшиғим». Украина санъат усталарининг концерти. 00.50 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Л. Маҳмудов. «Али ва Вали». И. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг спектакли олиб кўрсатилади. 18.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.30 Болалар учун қўғирчоқ телевизион театри. 19.00 «Миллионлар денинча университет» «КПСС XXV съезди коммунистик тарбия ҳамда шахснинг шакланиши тўғрисида». **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати, ижодий изланиш». 2-кўрсатув. **Узбек тилида:** 20.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Ғазал нечаси». 21.50 Ун минут музика. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари театрларининг телевизион фестивали. Жиззах область музикали драма ва комедия театрининг ижодий йўли. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 18.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (1 бет) 1 ИЮНЬ 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 13171.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр В—4006.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02.58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.